

Ҳар бир мурожаат – эътиборда

Фурқат туманида аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ ва манзилли чоралар кўрилмоқда.

Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жумановнинг Халқ қабулхонасида ўтказилган навбатдаги қабулида 20 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, таклиф ва муаммолари тингланди.

Қабул давомида фуқароларнинг инфратузилмаларни яхшилаш, электр таъминоти, кадастр, уйжой билан боғлиқ муаммолар, ичимлик суви таъминотини, бандлик, моддий ёрдам, тиббий хизмат ва бошқа масалалар билан боғлиқ мурожаатлари мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳар бир мурожаат дикқат билан эшитилиб, ўртага ташланган масалаларни ўз ўрнида, қўшимча ўрганиш талаб этадиган муаммоларни қисқа фурсатда ҳал этиш чоралари кўрилди.

Шу куннинг ўзида 4 та мурожаатлар ўз ечимини топди.

2023-02-23 17:10:46